


**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Андижон туман Ободонлаштириш

Бошқармаси раҳбари

Н.Нематжонов



Андижон туман Нухатак МФЙ Янги хаёт кучасини асфатлаш ишлари  
учун

**ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Андижон туман - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1.ТАНЛОВ  
ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАИ**

1.Танлов предмети: Андижон туман Нухатак МФЙ Янги хаёт кучасини асфатлаш ишлари учун лойиҳа хужжатларини тайёрлаш .

1.2.Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи таққикшот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати: ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

I.4.Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Андижон туман Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили .• Андижон туман Куйган-ёр шаҳарчаси Олийгоҳ кучаси

2.2.Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Андижон туман Ободонлаштириш бошқармаси"Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қўрсатишга ихтисослашган, қаида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" 684-Қонун 13-моддатига риоя этилиши шарт

- Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати ускуналар
- Бахтсиз ҳодисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталаниши
- Техника ҳафсизлиги қондаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган қаноғат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; молмулкни мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳраб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўқшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

фақат битта таклиф бериши мумкин; тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугаш унга қалар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

#### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч қун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ун қунга узайтирилиши қерак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳами. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки қун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги қерак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган қундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни татим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.